2014 йил 30 сентябрь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 191 (12.752)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб вояга етказишга қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларга илм-фан асосларини, замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»**

**Бердиева Жумагул Амоновна** – Қумқўрғон туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Турдиева Махбурат Махкамовна** – Олмалиқ шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»**

**Журамирзаева Махмуда Журамирзаевна** – Учқўрғон туманидаги 34-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Исмаилова Раиса Юсуповна** – Нукус шаҳридаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**

**Ачилов Дўсмурот Тошмуротович** – Кармана туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Бердиева Зайнаб Файзиллаевна** – Каттақўрғон туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби директори, Самарқанд вилояти

**Матякубова Гульнора Абдусаматовна** – Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Сабирова Мухаббат Марксовна** – Урганч туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Султанова Махбуба Кузибаевна** – Фарғона политехника институти қошидаги академик лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Тешабаева Матлюба** – Янгиер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Умматов Сирожиддин Исоқович** – Балиқчи туманидаги 38-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Халилова Нодира Разиковна** – Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Хомитов Абдували Комилович** – Зарбдор ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»**

**Хожиев Баходир Найимович** – Қарши олимпия захиралари коллежининг дзюдо бўйича мураббийи, Қашқадарё вилояти

*Юртимизда таълим соҳасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан**

**Дуйсенбаев Куралбай** – Нукус автомобиль йўл хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Исроилова Лола Болтаевна** – Булунғур туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Худайназарова Гуёхон Холмирзаевна** – Бўз туманидаги 46-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**«Меҳнат шухрати» ордени билан**

**Абдуллаев Акмал Абдуахадович** – Жондор туманидаги 49-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Абдуллаев Валижон Алижанович** – Наманган туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Абилқосимов Равшан** – Жиззах туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Акрамов Набижон Курбонович** – Марҳамат туманидаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Аскарова Минавар Рузимовна** – Шовот туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

*(Давоми 2-бетда)*

*1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни*



## ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ – ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

***Республика болалар кутубхонасида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан «Таълим ва тарбия уйғунлиги – баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари М.Иноятов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксак поғонага олиб чиқиш, соғлом авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида вояга етказиш, уларга билим бериш ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган устоз-мураббийлар Ватанимизнинг, халқимизнинг доимий ардоғида. Педагоглар меҳнатини рағбатлантиришга оид амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида ўқитувчиларнинг ўртача меҳнат ҳақи йилдан-йилга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда халқ таълими тизимида 390 минг нафардан зиёд педагог меҳнат қилмоқда. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши мактаб психологи», «Йилнинг энг яхши мактаб директори», «Йилнинг энг яхши услубчиси» ва бошқа кўрик-танловларнинг мунтазам ўтказилаётгани таълим жонкуярларининг ўзаро фикр алмашишига имкон яратмоқда. Шу билан бирга, самарали ўқув-тарбия услубларини, илғор, ташаббускор, ижодкор педагоглар иш тажрибасини кенг оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан тизимда фаолият юритаётган мутахассисларнинг педагогик салоҳияти ва малакаси мунтазам ошириб борилаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги қарори асосида халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланиб, ўқув жараёни таълимнинг миллий модели хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда модернизация қилинмоқда. Эндиликда халқ таълими тизими ходимларининг малака оширишдан ўтиши учун қулай шароит яратилиб, педагог кадрларнинг методик таъминоти ва ўқув-тарбия жараёнининг сифати яхшиланди.

Ёш кадрларни ишга жалб этиш таълим даргоҳларида ижобий рақобатни кучайтириш билан бирга, ўқув жараёнига янгича қараш, замонавий усул ва шаклларнинг татбиқ этилишига имкон яратаётир.

Ўтган ўқув йилида жами 47 туман ва қишлоқ аҳоли пунктларида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослиги бўйича етишмайдиган кадрларни тайёрлаш учун 265 нафар абитуриент олий таълим муассасаларига мақсадли қабул қилинди. Чет тили ўқитувчилари Давлат тест маркази томонидан доимий равишда синовдан ўтказилиб, уларнинг маошига қишлоқ жойларда 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз миқдорида қўшимчалар бериб борилмоқда. Бу масъулиятли ва шарафли касб соҳибларини ўз устида тинимсиз ишлашга, баркамол авлод тарбиясида янада фаол бўлишга ундамоқда.

Матбуот анжуманида таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг тараққий этган давлатлардаги тенгдошлари билан тенг рақобатлашишига замин яратаётгани таъкидланди, журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

***Ўзбекистонда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси бошланганi эълон қилинди.***

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида ўтказилаётган мазкур сиёсий тадбир халқаро ҳамжамиятнинг диққат-эътиборида турибди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, уларнинг натижалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда сайлов қонунчилигини эркинлаштириш ва либераллаштириш борасида сўнгги йилларда рўёбга чиқарилган янгиликлар хусусида турли тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Хусусан, Озарбойжон, Бельгия, Ҳиндистон, Латвия, Малайзия, АҚШ, Туркия ва Япония сингари давлатларда оммавий ахборот воситалари учун махсус брифинглар ташкил этилди. Мазкур тадбирларда чет эллик журналистлар юртимизда сайлов қонунчилигига мувофиқ ўтказиладиган парламент сайловларига тайёргарлик жараёни билан танишдилар. Уларнинг эътиборига сўнгги йилларда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида Ўзбекистоннинг сиёсий, давлат ва ҳуқуқ тизимини изчил ҳамда босқичма-босқич тарзда модернизация қилиш борасида олиб борилаётган ишларнинг натижалари юзасидан батафсил ахборот тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар мавзуси нуфузли хориж оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Бу ҳам дунё жамоатчилигининг мамлакатимизда бўлиб ўтадиган ушбу муҳим сиёсий воқеага қизиқиши ортиб бораётганини кўрсатади.

*(Давоми 3-бетда)*

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида**

## ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

***Аввал хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўттиз саккизинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.***

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида» қабул қилинган қарорга мувофиқ, жорий йилнинг 21 декабрида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан сессияда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни тавсия этиш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси таркибини тузиш ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округлари сонини белгилаш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Шунингдек, сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 27 июлдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2014-2015 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан шаҳардаги кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларини барқарор коммунал хизматлар билан таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари фаолиятини ривожлантириш мақсадида маҳалла, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарув компаниялари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизимини янада жадаллаштириш борасида амалга оширилган ишлар ва бу йўналишдаги вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

Сессияда 2014 йилнинг 10 сентябридан 10 октябрига қадар Тошкент шаҳри ҳудудида кўп қаватли уй-жой фонди объектларини 2014-2015 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича «30 кунлик» иш режалари тасдиқланганлиги инобатга олинди.

Унга кўра барча маҳаллаларда, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компанияларида, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей, олий таълим муассасалари, шифохона, оилавий поликлиника ва коммунал хизмат кўрсатиш тизимидаги барча ташкилотларда қиш мавсумига тайёргарлик кўриш дастурларида белгиланган тадбирларнинг 10 октябрга қадар тўлиқ ва сифатли якунланиши бўйича зарурий ишлар ташкил этиш қатъий белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари сессияда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси ҳамда 2014 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Бош бошқарма томонидан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишга йўналтирилган қўшимча дастурлар ва чора-тадбирлар ижроси юзасидан таъсирчан мониторинг олиб бориш лозимлиги, қўшимча дастурга асосан 2014 йил давомида яратилган янги иш ўринлари манзилли рўйхатининг мунтазам шакллантирилиб борилиши кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, 2014-2016 йилларда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган объектларнинг белгиланган муддатларда ишга туширилиши, дастур параметрларининг тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиш, лойиҳаларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни ўрганиб бориш ва уларни ўрнатилган тартибда ҳал этиш чораларини кўриш лозимлиги қайд этилди.

Жумладан, ҳар ойда камида бир марта иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган дастурлар ва чора-тадбирлар ижросини танқидий ўрганиш, туман ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотлар иштирокида бу борадаги ҳолатни муҳокама этиб бориш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш чораларини кўриш лозимлиги таъкидланди.

*(Давоми 3-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Ашуров Икромжон Мейлиевич** – Термиз саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Гайбулаева Гулчехра Джаббаровна** – Сирдарё саноат касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сирдарё вилояти

**Даулетиярова Гулшат Жалгасовна** – Қўнғирот нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Имамова Сайёра Абдурахмановна** – Каттақўрғон шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Кариева Рано Нигматовна** – Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 2-интернат уйи директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари

**Каюмова Муяссар Абдуллаевна** – Қуйи Чирчиқ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Набиева Манзура Турсуновна** – Ангрен шаҳридаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Султонова Қаноат Исломовна** – Хатирчи хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Тажибаев Мамуржан Дадажанович** – Тошлоқ транспорт ва қурилиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Хожикулов Уктам Нурматович** – Ғузор нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Курбанов Зарипбай** – Хонқа туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Кушшаева Мухиба Буриевна** – Қарши шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Махмудов Марифжон Мирзакулович** – Мингбулоқ туманидаги 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг волейбол бўйича мураббийи, Наманган вилояти

### «Дўстлик» ордени билан

**Ахмаджанов Рустамбек Акрамович** – Наманган қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Ахмедова Дилобархон Долимовна** – Олтинкўл туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Досимбетова Улдаулет Кабиловна** – Қорақалпоғистон Республикаси 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

**Жуманиязова Мукаддас Хусиновна** – Хива тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Загребина Наталья Владимировна** – Миробод туманидаги 158-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Ковиляева Светлана Геннадьевна** – Навоий кончилик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Кузиев Шаймурат Джураевич** – Қарши политехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Марданова Гавхар Хаитовна** – Самарқанд енгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Очилова Нурзода Турсуновна** – Бухоро туманидаги «Галаосиё» қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Рискулова Гулчехра Анорқуловна** – Бекобод туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Султанова Фазилат Бурхановна** – Фурқат агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Хайдаров Оманкелди Бахриддинович** – Ғаллаорол туманидаги «Гулистон» қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Хайдарова Дилфуза Ғаффоровна** – Шўрчи туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Хачатурян Лариса Рафаиловна** – Гулистон шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

### «Шухрат» медали билан

**Абдуғафурова Зарифа Саттаровна** – Тошкент давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Абдуллаев Жасурбек Қурбанбаевич** – Урганч олимпия захиралари коллежининг енгил атлетика бўйича бош мураббийи, Хоразм вилояти

**Абдуллаева Нодира Турсуновна** – Шайхонтоҳур туманидаги 115-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Арзуова Несибели Жандуллаевна** – Нукус политехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Аллаёров Хазрат** – Қизириқ туманидаги 8-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг кураш бўйича мураббийи, Сурхондарё вилояти

**Атаниязова Захура Алламбергеновна** – Нукус саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ахмедова Замира Иззатуллаевна** – Китоб туманидаги 5-«Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

**Бабаходжаева Нигора Гайбуллаевна** – Мирзо Улуғбек туманидаги 112-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Бекматова Зулфия Ашраповна** – Зангиота озиқ-овқат саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Бердиев Ахмад Эшдавлатович** – Пахтачи туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Бобожонова Наргиза Номозовна** – Нарпай туманидаги 33-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Валиева Мухайё Кодировна** – Қўштепа туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ғафурова Муяссар Азадовна** – Элликқалъа туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ғофурова Дилфуза Омановна** – Яккабоғ саноат ва қайта ишлаш касб-ҳунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Джураева Дилобар Шадиёровна** – Шаҳрисабз туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Джураева Дилором Дадажановна** – Наманган шаҳридаги 6-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Наманган вилояти

**Жумаева Ҳурматой Холмуротовна** – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Жураев Эргаш Оромович** – Косон туманидаги 95-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Жўраева Замира Шарифовна** – Бухоро тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Зверев Александр Васильевич** – Тошкент вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг оғир атлетика бўйича катта мураббийи

**Исмадияров Абдулла Ўлмасович** – Булоқбоши педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Калмуратова Халима Юлдашевна** – Нукус тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Курбанова Оминахон Олимжановна** – Фарғона шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Фарғона вилояти

**Мамажонова Умидахон Пазлидиновна** – Бағдод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Маҳмудов Шухрат Равшанович** – Ромитан туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Махмудова Гулчехра Урунхужаевна** – Жалолқудуқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Машарипова Сайёра Бахтияровна** – Қўшкўпир туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Муминова Лола Давроновна** – Тайлоқ туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Намозова Дилфуза Саидовна** – Бойсун туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Нарзуллаев Шароф Норматович** – Денов тоғ-кон саноати касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сурхондарё вилояти

**Пахруддинова Малика Ташпулатовна** – Мирзо Улуғбек туманидаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактабининг дутор синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Расулова Дилноза Кобилджоновна** – Тошкент политехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Сайдахмедова Манзура Одиловна** – Бешариқ туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Сатимов Абдалим Давлатович** – Чуст саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Тажиев Рахман Суюнович** – Иштихон туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Туробов Ёрқинжон Ёқуб ўғли** – Ғиждувон туманидаги 65-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Турсунбаев Сайфиддин Муротович** – Янгиобод туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Хайлаев Маматкул Жумаевич** – Боёвут туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шахмат бўйича мураббийи, Сирдарё вилояти

**Холмуродова Сайёра Хабибуллаевна** – Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Холтурсунов Нурмат Байматович** – Оҳангарон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Шамсиева Мақсуда Шавқиевна** – Учқудуқ туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Эргашева Карамат Анарбаевна** – Мирзаобод туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Эшимов Бахтиёр Рахматуллаевич** – Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Юлдашева Музайяна Ахборовна** – Учтепа туманидаги 287-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Юлдашева Шаходатхон Абидовна** – Қўрғонтепа туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Юлдашева Шохида Абиловна** – Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Юнусов Хакимжон Ахмаджонович** – Уйчи туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Юнусов Эркин Гаппарович** – Жарқўрғон саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Юсупова Наргис Рўзалиевна** – Оққўрғон туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2014 йил 29 сентябрь*

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

***Чилонзор туманидаги 178-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг яхши мактаб директори» кўрик-танловининг Республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан 28 нафар мактаб директорлари иштирок этди.***

Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида жаҳон андозалари даражасидаги ўқув муассасаларини барпо этиш, ёш авлодга билим беришни сифат ва мазмун жиҳатидан такомиллаштириш, ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий қилиш, педагогларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ушбу танлов ҳам педагог-ўқитувчиларнинг билим ва кўникмасини ошириш, раҳбарлик фаолиятининг мукаммаллигини таъминлаш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

– Таълим муассасаларининг илғор иш тажрибасини оммалаштириш, ўқитувчиларни янада изланувчан бўлишга ва фаолликка чорлаш мақсадида ўтказилган мазкур танловда камида уч йиллик иш тажрибасига, жамоа орасида ўзига хос обрў-эътиборга эга, мактабда соғлом муҳитни ярата олган, ташаббускор, интилувчан мактаб директорлари иштирок этди, – дейди шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бўлим бошлиғи Эркин Муродов. – Танловда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, илмий ва дунёвий билимлари, ўз соҳасида олиб бораётган ишлари, дарс машғулотларини ўтиш ва таҳлил қилиш, педагогик кенгашга тайёргарлик кўриш, «Келажак мактаби» концепцияси асосида тақдимот ўтказиш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

– Бундай нуфузли танловда ғолиб бўлишнинг ўзи биз педагогларга жуда катта ишонч ва масъулият бағишлайди, – дейди «Энг яхши мактаб директори» Республика кўрик-танловининг ғолиби, Яккасарой туманидаги 144-умумтаълим мактаби директори Нилуфар Ҳусанбоева. – Мактабимизда ўқувчиларнинг маънавиятини юксалтириш, Ватанимизга муносиб фарзандлар этиб камолга етказиш, қадриятларимизни қадрлашга ўргатиш, фанларни ўзлаштириши, давомати ва ўз иқтидорларига қараб йўналиш бериб бориш доимий равишда назорат этиб борилади. Ушбу танлов педагогларнинг касб маҳоратини ошириш, янги тажрибаларни ўрганишида муҳим аҳамият касб этади. Республика босқичида ғолибликка эришиш эса, нафақат менга, балки бутун мактаб жамоаси фаолиятига берилган юксак баҳодир.

Ўтказилаётган ҳар бир танлов негизида муайян мазмун ва моҳият мужассам. Ушбу танловда ҳам педагогларнинг касб маҳоратини янада такомиллаштириш, билим ва малакасини ошириш, оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлигини тобора кучайтиришга доир иш тажрибаларини ўрганиш ва мукаммаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов сўнгида ғолибларга диплом ва совғалар топширилди.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ўқув-услубий фаолиятини модернизациялаш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.**

**● Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Биз келажакка ишонамиз» мавзусида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Санъаткорлар ижросидаги Ватан, она ва ёшликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар иштирокчиларга янада хуш кайфият бағишлади.**

**● Урганч шаҳрида «IctExpo – 2014» анъанавий миллий ахборот технологиялари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмадан 20 дан зиёд миллий ва хорижий компаниялар, бошқарма ва идоралар, банк ҳамда муассасаларнинг юқори технологияли маҳсулот ва хизматлари ўрин олди.**

**● «Infinbank» очиқ акциядорлик тижорат банки Наманган филиали ўз фаолиятини бошлади. Банкнинг замонавий янги биноси фойдаланишга топширилишига бағишланган тадбирда вилоят банк-молия муассасалари раҳбарлари, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**● Қорақалпоғистон Республикасида «Камалак юлдузлари – 2014» болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар ва туман босқичлари бошланди. Ўттиз нафар бола танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичига йўлланма олди.**

### ЖАҲОНДА

**● БМТ Хавфсизлик Кенгаши тарихда илк маротаба одамлар саломатлигига бағишланган йиғилиш ўтказди. Анжуманда Эбола вируси бутун дунёга хавф солаётган хасталик сифатида расман эътироф этилди.**

**● Санкт-Петербургдаги «Нанотаркиблар физикаси» илмий-маърифий марказида ишлаб чиқилган янги инновацион технология қисқа муддат ичида дори-дармон-ларнинг сифатини аниқ айтиб бериш имконини яратди. Қурилма сатҳида миттигина диодли чироқча ўрнатилган. Унинг ранги ўзгаришига қараб дорининг кимёвий таркиби аниқланади. Таҳлил учун кўпи билан беш дақиқа вақт кетади.**

**● АҚШнинг Шимолий Каролина университети тадқиқотчилари унчалик катта миқдорда бўлмаган суюқ металл ҳаракати ва шаклини бошқаришга муваффақ бўлдилар. Янги технология муаллифлари бундай усул яқин йиллар ичида микроэлектроника ва оптикада кенг қўлланилади. Жумладан, айнан суюқ металл асосида шаклини ўзгартирадиган ва турли сигналларни қабул қила оладиган антенналар яратиш мумкин.**

Осиё ўйинлари – 2014

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАР ЎЗ МАМЛАКАТИ ДОВРУҒИНИ ДУНЁГА ЁЙМОҚДА

*ИНЧЕОН. ЎзА махсус мухбири Меҳрибон МАМЕТОВА хабар қилади.*

***Қитъамизнинг энг нуфузли спорт мусобақаси бўлган Осиё ўйинлари турли халқлар ва мамлакатлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, олимпия ҳаракатини кенг тарғиб қилиш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга хизмат қилаётир.***



Бу галги Осиё ўйинлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтмоқда. Унда қитъамизнинг қирқ беш мамлакатидан ташриф буюрган қарийб ўн тўрт минг кишилик делегациянинг тўққиз минг саккиз юз нафардан зиёди спортчилардир. 228 спортчидан иборат бизнинг вакилларимиз спортнинг 32 тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

ЎзА мухбири XVII ёзги Осиё ўйинларида иштирок этаётган ўзбекистонлик атлетларнинг чиқишлари, Ўзбекистонда олимпия ҳаракати ва спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида айрим хорижлик мутахассисларнинг фикри билан қизиқди.

**Мукеш КУМАР, Осиё дзюдо иттифоқи бош котиби, Ҳиндистон дзюдо федерацияси президенти:**

– Ўзининг шонли анъанасига эга бўлган Ўзбекистон дзюдо мактаби мустақиллик йилларида тобора ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонга борганимда бунга амин бўлганман. Бу борада, биринчи навбатда, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ташкил этилаётган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу мусобақалар кашф этган спортчиларнинг кўпчилиги ҳозирги Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Айниқса, Дилшод Чориев, Ришод Собиров, Абдулла Тангриев ва бошқа полвонларнинг кураши менда катта таассурот қолдирди. Кураш баҳслари кескин ва муросасиз бўлишига қарамасдан, улар совринли ўринларни эгаллаганидан хурсанд бўлдим. Ўзбекистонлик спортчилар бундан кейин ҳам юксак натижалар кўрсатишига ишонаман.

**Али МОРАДИ, Осиё оғир атлетика федерацияси бош котиби:**

– Ўзбекистон – спорт мамлакати. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов спортни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Шунинг учун мамлакатингиз оғир атлетикачилари энг нуфузли халқаро спорт мусобақалари, жумладан, жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинларида мунтазам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олиб келмоқда. Уларнинг XVII ёзги Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этаётгани ҳам буни тасдиқлайди. Улуғбек Алимов ва Маҳлиё Тоғаеванинг чиқишлари менда катта таассурот қолдирди.

**Людевик Дариус де КРУФ, футбол бўйича Бангладеш ёшлар терма жамоаси бош мураббийи (Голландия):**

– Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жуда кучли. Уларнинг ўйинини катта қизиқиш билан кузатиб боряпман ва шуни айтишим мумкинки, жамоа Осиё ўйинларига пухта тайёргарлик кўрган. Айниқса, ярим ҳимоячи Жамшид Искандаровнинг ўйини менга жуда ёқди. Ўзбекистонда бундай маҳоратли ўйинчиларнинг борлиги мамлакатингизда миллионлар ўйини янги ривожланиш босқичига чиққани ва катта истиқболга эга эканидан далолат беради.

**Франсуа СААД, Ливан дзюдо федерацияси президенти:**

– Ўзбекистонга тез-тез бориб тураман ва мамлакатингиз жадал ривожланаётгани мени ҳайратга солади. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётингиз барқарор юксалмоқда, тиббиётни такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзининг муҳим таркибий қисми сифатида спортни оммалаштиришга улкан эътибор қаратилмоқда. Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда муҳташам спорт мажмуалари барпо этилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланаётганининг гувоҳи бўлдим. Масалан, Тошкентда барпо этилган замонавий дзюдо залида барча зарур шароит яратилган. Бунинг самарасида Ўзбекистонда спорт ўз сафига кўплаб ёшларни жалб этаётган ҳақиқий оммавий ҳаракатга айланиб бормоқда. Шу тариқа янги номлар кашф этилмоқда, улар Ўзбекистон шуҳратини бутун дунёга ёймоқда.

**Ризо НАССИРИЙ, Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитаси аъзоси:**

– Ўзбекистонда миллий урф-одат ва анъаналарга риоя этилган ҳолда, ноёб миллий спорт ўйинлари ривожланиб бораётгани таҳсинга лойиқдир. Масалан, мустақиллик йилларида тарихи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган кураш кенг оммалаштирилди. Бугун кураш нафақат спорт тури, балки юздан зиёд мамлакатда жадал ривожланиб бораётган халқаро спорт ҳаракатига айланди. Бундан ташқари, халқаро спорт майдонларида ўзбекистонлик ёш дзюдочилар, гимнастикачи, теннисчи, эшкак эшувчилар ва бошқа спорт турлари вакиллари муваффақият қозонмоқда. Улар қўлга киритаётган ютуқлар Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганининг ёрқин далилидир.

**(ЎзА)**

**А. Илёсов (ЎзА) олган сурат**

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Жумладан, «Diplomat» **(Буюк Британия)**, «The Korea Post» **(Корея Республикаси)**, «Ал-Аклам ва ал-Кутуб» **(Миср)**, «Ляован» **(ХХР)** журналлари, «The Korea Times» **(Корея Республикаси)**, «Japan Times» ва «Japan News» (Япония), «Berita Harian» **(Малайзия)**, «Election Times» **(Покистон)**, «Дунфан Цзаобао» **(Хитой)**, «Бакинский рабочий» **(Озарбойжон)**, «Вести» **(Исроил)**, «Казахстанская правда» **(Қозоғистон)** газеталари ва бошқа даврий нашрларда жорий йилнинг декабрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган парламент сайловларига бағишланган мақола ва материаллар чоп этилмоқда. «Тренд» **(Озарбойжон)**, «Baltic News Service» **(Латвия)** ахборот агентликлари, «Жэньминьван» **(Хитой)**, «Sarkaritel» (Ҳиндистон) электрон порталлари ҳам ўз ўқувчиларини Ўзбекистондаги сайловларнинг давлат ва жамият ҳаётини янада либераллаштириш ва демократлаштиришдаги ўрни ҳамда аҳамияти билан таништиришга алоҳида эътибор бермоқда.

«Президент Ислом Каримов томонидан парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш доирасида сўнгги йилларда Конституция ҳамда сайлов тўғрисидаги қонунларга ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижро тармоқлари фаолиятини, сайлов тизимини янада демократлаштириш учун ҳуқуқий асос сифатида хизмат қиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, — деб ёзилади **Хитойнинг «Дунфан Цзаобао» газетаси**да. — Сайлов қонунчилигига сайловолди ташвиқотининг шакл ва усулларини аниқ белгилаш, сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида уни ўтказишга йўл қўймаслик, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларни сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичида тенг шароитлар билан таъминлаш, муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш бўйича қўшимча ҳуқуқий кафолатлар, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини ташкил қилишга доир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов давомида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Барча сайлов комиссияси фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралиги уларнинг сиёсий партиялар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кузатувчилар иштирокидаги йиғилишларини ўтказиш орқали таъминланади. Кузатувчилар ва сиёсий партиялар вакиллари билан бир қаторда халқаро ташкилотлар ва чет давлатлардан ҳам кузатувчиларнинг иштирок этиши кўзда тутилмоқда».

**Малайзиянинг «Berita Harian» нашрида қайд этилганидек,** «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан киритилган муҳим ўзгаришлардан бири муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш бўйича ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш бўлиб, улар сайловларнинг адолат ва шаффофлик тамойилларига мувофиқ ўтказилишини кафолатлайди. Яна бир муҳим янгилик сайловолди ташвиқотини сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида ўтказишга йўл қўймаслик бўлиб, бу сайловлар жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлайди».

Ўзбекистонда парламентаризм соҳасидаги ислоҳотлар ҳақида **«Baltic News Service» (Латвия) ахборот агентлиги** ҳам қуйидагича маълумот беради: «Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга сайлов кампанияси мобайнида тенг шароитлар ва имкониятлар яратишга, фуқаролар сайлов ҳуқуқини ишончли таъминлаш, уларнинг ўз хоҳиш-истагини эркин билдириши, сайлов комиссиялари фаолиятининг ошкоралигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қатор қонунлар такомиллаштирилди. Мустақиллик йилларида мамлакатда самарадор ва демократик сайлов тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантириш соҳасида чуқур ислоҳотлар ўтказилди. 2003 ва 2008 йилларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди».

**«The Korea Post» (Корея Республикаси) журнали**да таъкидланишича, сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас хусусияти, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирок этишининг асосий шаклидир. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари — қуйи даражадаги ўзини ўзи бошқариш тизимининг анъанавий демократик тизими бўлмиш маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, журналда бу хусусда қуйидагилар келтирилади:

«Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан фарқли равишда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларни илгари суриш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тақдим этиш ҳуқуқига эгадирлар».

**«Жаҳон» АА**

***Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 21 декабрида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади.***

# ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Шу муносабат билан яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси таркиби тузилди.

Куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда шаҳар сайлов комиссияси раисининг ўринбосари ва котибини сайлаш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнида босқичма-босқич амалга ошириладиган сайловолди тадбирларининг режасини тасдиқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунига жойларда амал қилинишини назорат қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳар сайлов комиссияси аъзоларини туманларга бириктириш масалалари кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй манзилида жойлашди. Шаҳар сайлов комиссияси телефони: 232-11-66**

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

**Комиссия раиси:**

**Маҳмудхўжаев Фурқат Сидиқхўжаевич** – Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раиси

**Раис ўринбосари:**

**Ғуломов Ахрор Аминович** – Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими раисининг ўринбосари

**Комиссия котиби:**

**Беков Ихтиёр Рустамович** – Тошкент Давлат юридик университети «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси доценти

**Комиссия аъзолари:**

**Мухамедова Сайёра Бахромовна** – Шайхонтоҳур туманидаги «Чақар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Мамажонов Бахтиёр Обидович** – Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи

**Усманова Шахноза Эркиновна** – Тошкент меҳр-шафқат касб-ҳунар коллежи директори

**Акбаров Илёр Исмагилович** – Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи

**Иноятов Фаррух Шавкатович** – Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи

**Шоев Алиджон Акбарович** – «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат унитар корхонаси раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчиси

**Абидхаджаев Шомансур Шоюсупович** – «Ўзбектелеком» акциядорлик жамияти «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали директори

**Исаков Алишер Исламбаевич** – «Тошкент реклама сервис» давлат унитар корхонаси директори

**Сафаев Абдурахмон Бакаевич** – Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи

**Мухамедова Умриниса Кабуловна** – Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти раиси

**Саидқосимов Маъмур Махкамович** – Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали директори

**Сайдалиев Гайратходжа Гафарходжаевич** – UZINFOCOM Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази директорининг биринчи ўринбосари

# ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Туман ҳокимлари, бошқарма, идора, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда асосий мезонлардан бири сифатида, янги иш ўринлари яратиш параметрларини ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш даражаси ва сифатига алоҳида эътибор қаратиш ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва туман ҳокимликларига касб-ҳунар коллежларининг битирувчи курс талабаларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш ишларини давом эттириш вазифаси топширилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига туман ҳокимликлари қарорлари асосида жойларда касб-ҳунар коллежлари ва корхоналарда «Бўш иш ўринлари ярмаркалари» ўтказилиши юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Шу билан бир қаторда сессияда «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг фаолияти кўриб чиқилди.

Ушбу масала бўйича Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, тегишли бошқарма ва туман ҳокимликлари билан биргаликда «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсад, мазмун-моҳиятини ва вазифаларини кенг тарғиб этиш юзасидан жамоатчилик кенгашларини жалб этган ҳолда зарур ишларни мувофиқлаштириш лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бир қаторда ишбилармонлик муҳитининг ҳолатини аниқлаш мақсадида, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ҳар чоракда тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўровномалар ўтказиш ва унинг натижаларига кўра тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбиркорлик субъектлари учун ҳар ойда камида икки маротаба «Очиқ эшиклар куни»ни ташкил этиш белгиланди.

Тегишли бош бошқарма, бошқарма ва туман ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда устувор мавқега эга бўлган субъектларнинг ўз устун мавқеини суиистеъмол қилиш ҳаракатларининг олдини олиш, товар ва хизмат бозорларида рақобат муҳитини яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида 2014-2016 йилларга мўлжалланган рақобат муҳитини шакллантириш ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Сессияда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Яшнобод, Чилонзор ва Учтепа туманлари ҳокимликларининг ҳисоботлари муҳокама этилди.

Ҳисоботлар юзасидан туман ҳокимликларига иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, муҳим мақсадли комплекс дастурлар ижросини фаоллар йиғилишида танқидий муҳокама қилиш, ислоҳотлар жараёнига тўсқинлик қилаётган сабабларни чуқур таҳлил қилиб, устувор вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди.

Шунингдек, туман ҳокимликларига корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда иқтисодиётни ўстиришнинг юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолиш, айниқса саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг изчил ўсишини таъминлаш мақсадида иқтисодиёт соҳасида йўл қўйилган камчиликларни, хусусан ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириб юборган, зарар билан ишлаётган корхоналар сонини камайтириш ҳамда ушбу масалаларни ҳал этишда туманда ташкил этилган ишчи гуруҳларнинг фаолиятини жонлантириш вазифаси юкланди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгартиришлар ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, янги юқори технологияли ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришни таъминлаш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, 2013-2015 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши устидан таъсирчан мониторинг ўрнатиш ва лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда қувватларнинг маълум муддатларда ишга туширилишини таъминлаш белгилаб қўйилди.

Транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларида белгиланган қурилиш ва таъмирлаш ишларини белгиланган муддатларда ва сифатли ижро этиш, ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг туман иқтисодиётидаги улушини ошириш, кредит масалаларини ҳал этиш, қабул қилинаётган қарорларда уларга берилаётган имтиёзларни кенг тушунтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, тегишли тузилмалар билан биргаликда коммунал хизматлар, айниқса, аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишнинг замонавий механизмларини ва самарали тузилмаларни яратиш, кўп қаватли уй-жой фондларини бошқариш ишларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларни қайтадан кўриб чиқиш белгиланди.

Бундан ташқари, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳисобига 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг барча йўналишлари бўйича тўлақонли бажарилишини таъминлаш ҳамда иш жараёнининг самарадорлигини ошириш имконини берувчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бир қаторда пойтахтдаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш ва Кенгаш ваколатига кирувчи бошқа масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Сессияда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

